



## THE CONCEPT OF EARLY HEARING AND ITS ESSENCE

**Esanaliyev S.N.**

Law Enforcement Academy

independent researcher

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13833231>

### ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> September 2024

Accepted: 23<sup>th</sup> September 2024

Online: 24<sup>th</sup> September 2024

### KEYWORDS

*Preliminary hearing, court ruling, judge, stage.*

### ABSTRACT

*The article analyzes the concept of preliminary hearing and its essence, as well as examines the scientific and theoretical views put forward by legal scholars in this field.*

## ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

**С.Н.Эсаналиев**

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси

мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13833231>

### ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> September 2024

Accepted: 23<sup>th</sup> September 2024

Online: 24<sup>th</sup> September 2024

### KEYWORDS

*Дастлабки эшитув, суд ажрими, судья, босқич.*

### ABSTRACT

*Мақолада дастлабки эшитув тушунчаси ва унинг моҳияти, бу борада ҳуқуқшунос олимлар томонидан илгари сурилган илмий-назарий қарашлар таҳлил қилинган.*

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 13-моддасига кўра, демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади<sup>1</sup>.

Давлат раҳбарининг 14.05.2018 йилдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сонли қарорида жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини жорий этишда тарафларнинг ўзаро тортишув тамойилини таъминлаш асосида дастлабки эшитиш институтини жорий этиш орқали ишларни суд муҳокамасига тайинлаш босқичини ислоҳ қилиш қайд этилди<sup>2</sup>. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. [электрон ресурс], қаралган вақти 03.02.2024 й. <http://lex.uz/acts/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.05.2018 йилдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сонли қарори. [Электрон ресурс], қаралган вақти 28.02.2024 й. <https://www.lex.uz>



тизимида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишув тамойилини таъминлаш мақсадида жиноят ишлари бўйича судгача ва суд жараёнида қонунийликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш мақсадида жиноят иши бўйича дастлабки эшитув босқичи жорий этилди<sup>3</sup>.

Дастлабки эшитув босқичи ҳақидаги назарий қоидалар ҳамда илмий манбаларга мурожаат қилишдан аввал “*дастлабки эшитув*” тушунчасига, унинг мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтишни жоиз деб биламиз.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “*дастлабки*” сўзи – “*энг аввалги, бошланғич, биринчи, даставвал, бошда, биринчи галдаги, биринчи навбатдаги*” каби маъноларда, “*эшитмоқ*” сўзи эса – “*диққат эътибор билан, маъно, мазмунини ҳам англаш, ўзлаштириш мақсадида қулоқ бермоқ, тингламоқ, хабар топмоқ, хабардор бўлмоқ, эшитиб билмоқ*” каби маъноларни англатади. “Дастлабки эшитув” тушунчаси қонун ҳужжатларда ўз аксини топмаганлиги боис, илмий манбаларда бу борада турли хил қарашлар илгари сурилган.

Олимлар П.Л.Ишимов<sup>4</sup>, Г.Кельзен<sup>5</sup>, Л.Паккер<sup>6</sup>, J.Hall<sup>7</sup>, M.Damaškaларнинг<sup>8</sup> таъкидлашича, дастлабки эшитув жиноят ишини кўришнинг дастлабки босқичи бўлиб, жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги дастлабки фикрларни шакллантириш ва суд жараёнини бошлаш учун етарли далилларни тўплаш жараёнидир. Билдирилган фикрларда дастлабки эшитув босқичининг умумий мазмуни тор доирада акс эттирилган бўлиб, ушбу босқичнинг асосий жиҳатлари қамраб олинмаган. Яъни, дастлабки эшитув босқичида жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги дастлабки фикрларни шакллантиришигина эмас, балки жиноят ишининг кейинги ҳолатини ҳал этиш билан боғлиқ бошқа асосий жиҳатлар очиқ қолган.

С.С.Крипиневич<sup>9</sup>, М.А.Верещагина<sup>10</sup>, В.А.Азаров ва И.Ю.Таричколар<sup>11</sup> фикрича, дастлабки эшитув суд мажлисига тайёргарлик ваколатларни ҳуқуқий тартибга солишдир. Мазкур фикрларга қўшилиш бироз мунозарали. Чунки, ушбу фикрларда дастлабки эшитув босқичи тор маънода, фақатгина мазкур босқичнинг биргина элементи сифатида суд мажлисига тайёргарлик ваколатларни ҳуқуқий тартибга солиш

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 18.02.2021 йилдаги “Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 675-сонли қонуни. [электрон ресурс], қаралган вақти 13.07.2024 й. <http://lex.uz/acts/>

<sup>4</sup> П.Л.Ишимов. “Производство предварительного слушания в суде первой инстанции. -М.: Издательство “Юрлитинформ”, 2007.-152 с.

<sup>5</sup> Kelsen, H. (1967). Pure Theory of Law, p. 215. (Беркли: University of California Press)

<sup>6</sup> Packer, H. L. (1968). The Limits of the Criminal Sanction, p. 150. (Стенфорд: Stanford University Press)

<sup>7</sup> Hall, J. (1952). General Principles of Criminal Law, p. 97. (Индианаполис: Bobbs-Merrill)

<sup>8</sup> Damaška, M. (1986). The Faces of Justice and State Authority: A Comparative Approach to the Legal Process, p. 134. (Нью-Хейвен: Yale University Press)

<sup>9</sup> Крипиневич С.С. Институт подготовки к судебному заседанию и формы его реализации в досудебных стадиях уголовного судопроизводства Российской Федерации. Дис. ... канд. юрид. наук. Ульяновск, 2019.

<sup>10</sup> М.А.Верещагина. “Процессуальный порядок признания доказательств недопустимыми в ходе предварительного слушания”. России. Дис. ... канд. юр. наук. - Челябинск, 2008. - С. 93/227

<sup>11</sup> Азаров В.А., Таричко И.Ю. Доброкачественность доказательств как предмет судебной оценки // Проблемы состязательного правосудия: сб. науч. тр. / под ред. В.Л. Будникова; ВолГУ, Урюп. фил.; редкол.: В.Л. Будников (отв. ред.) [и др.]. - Волгоград: Из-во ВолГУ, 2005. - С. 114



деб тушунтирилган. Аслида, ушбу босқичда нафақат тайёргарлик, балки жиноят ишининг кейинги тақдири ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши мумкин. Масалан, дастлабки эшитув босқичида жиноят ишлари тўхтатилиши, тугатилиши, бирлаштирилиши(ажратилиши), прокурорга қайтарилиши, номақбул далиллар чиқарилиши мумкин.

В.М.Бозров<sup>12</sup> ҳамда С.М.Рахмонова эса “*дастлабки эшитувни суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти устидан бевосита суд назорати шаклларида бири*”<sup>13</sup> деб қайд этган. Мазкур фикрларга қўшилмаймиз. Сабаби, “*дастлабки эшитув суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти устидан бевосита суд назорати шаклларида бири*” деган жумлани мунозарали деб биламиз. Чунки, амалдаги ЖПКга кўра, суриштирув ҳамда дастлабки тергов босқичида судьянинг жиноят иши материаллари билан батафсил танишиш имконияти мавжуд эмас ва бу босқичда судья прокурорнинг фақатгина эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш (ёки бошқа илтимосномалар) тўғрисидаги қарорининг қонуний ва асослилигини текширади. Айни дастлабки эшитув босқичида тақдим қилинган далиллар иш ҳолати бўйича барча ҳолатларни очиб бермаслиги ҳам мумкин. Сабаби, жиноят иши судга келиб тушгунга қадар суриштирув ҳамда дастлабки тергов фаолияти устидан бевосита назорат амалдаги ЖПК талабларига кўра, прокурорга юклатилган.

Бир гуруҳ олимлар В.Н.Григорев, А.В.Победкин ва В.Н.Яшинлар<sup>14</sup> ўз тадқиқотларида дастлабки эшитув суд муҳокамасига тайёргарлик кўришда дастлабки тергов сифати устидан суд назорати деб атайди. Мазкур жумлаларга қисман қўшилиш мумкин. Чунки, амалдаги ЖПК талабларига кўра, суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш босқичи сифатида дастлабки эшитув босқичида дастлабки тергов сифати устидан суд назоратини амалга ошириш мумкин бўлади.

З.Ф.Иноғомжонованинг фикрича, дастлабки эшитув айбланувчининг ишини суд мажлисида кўриш учун тўсиқлар бор ёки йўқлигини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш ҳисобланади<sup>15</sup>.

Н.Н.Ковтуннинг қарашларича, дастлабки эшитув бу тугалланган дастлабки терговнинг натижалари устидан суд назоратининг яқуний шаклидир<sup>16</sup>.

<sup>12</sup> Бозров, В.М. Стадия назначения судебного заседания / В.М. Бозров // Российская юстиция. - 1996. - № 3. - С. 48 - 49; Муратова, Н.Г. Заявление ходатайств в досудебном производстве о проведении предварительного слушания // Проблемы совершенствования законодательства о борьбе с преступностью: материалы Всероссийской научно-практической конференции, посвященной 95-летию Башкирского гос. ун-та / Н.Г. Муратова, Л.Д. Чулюки'н. - Уфа: РИО БашГУ, 2004. - Ч. I.; Рябинина, Т.К. Стадия назначения судебного заседания: монография / Т.К. Рябинина, - Курск: Курск, гос. техн. ун-т, 2007. - С. 29

<sup>13</sup> С.М.Рахмонова, “Предварительное слушание дела как форма назначения дела к судебному разбирательству”. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Т: 2018., -289 ст.

<sup>14</sup> Григорьев В.Н., Победкин А.В., Яшин В.Н. Указ. соч. - С. 563.

<sup>15</sup> Иноғомжонova Зумратхон Фатхуллаевна, “Жиноят-процессиди суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари”. Ю.ф.д илмий даражасини олиш учун ёзилган Диссертация. 2006 йил, 146 б/319 б.

<sup>16</sup> Ковтун Н.Н., Юнусов А.А. Полномочия судьи в стадии назначения судебного заседания существенно “подкорректированы” разъяснениями Пленума // Российский судья. - 2004. - № 9. – С. 10-18.



Д.Дикнинг фикрича<sup>17</sup>, дастлабки эшитув дастлабки терговнинг тўлиқлиги, асослилиги ва тўғрилиги, иш бўйича мақбул далиллар мавжудлигини аниқлашдир.

Юқорида З.Ф.Иногомжонова томонидан билдирилган фикрларга қисман, Д.Дик ҳамда Н.Н.Ковтуннинг қарашларини тўлиқ қувватлаймиз. Сабаби, амалдаги ЖПКнинг 396-моддасига кўра, судья жиноят ишини айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор билан қабул қилиб олгач, тегишли ажримлардан бирини қабул қилишда жиноят иши бўйича ҳар бир айбланувчига нисбатан аниқланиши лозим бўлган бир қатор ҳолатлар билан бирга, иш бўйича дастлабки эшитув ўтказиш учун етарли асослар борлигини аниқлаши қайд этилган<sup>18</sup>. Масалан, суд дастлабки терговнинг тўлиқлиги, асослилиги ва тўғрилиги, иш бўйича мақбул далиллар мавжудлигига баҳо бериш борасида, амалдаги ЖПКнинг 405<sup>3</sup>-моддаси, 2-қисмига кўра, жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриши, тугатиши, прокурорга юбориши, ишни бирлаштириш(ажратиш), тарафларнинг илтимоси бўйича номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаши мумкин.

Т.Н.Долгих<sup>19</sup>, А.Горяинов<sup>20</sup>, В.П.Верин<sup>21</sup> фикрича дастлабки эшитувни жиноят ишларини судга жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг бузилишига йўл қўйилган ҳолда келиб тушишини истисно қилиш. Билдирилган фикрга қисман қўшилаемиз. Чунки, амалдаги ЖПК талабларига кўра, судга жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг бузилишига йўл қўйилган ҳолда жиноят ишлари келиб тушган ҳолларда, суд ушбу босқичда мазкур хато ва камчиликларни ваколати доирасида ўз ташаббусига ёки тарафларнинг илтимосномасига кўра ҳал этиши мумкин. Ушбу фикрларга қисман қўшилишимизнинг сабаби шундаки, агар жиноят ишлари судга ЖК ҳамда ЖПК талаблари бузилган ҳолларда келиб тушган ҳолларда тарафлар илтимоснома бермаган ёки суднинг ўзи ҳам бу борада ташаббус кўрсатмаган ҳолларда бундай жиноят ишларини судга келиб тушиши қандай истисно қилиниши мумкин?

Юқорида тўхтатиб ўтилган илмий-назарий фикрларни чуқур таҳлил қилган ҳолда дастлабки эшитув тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифи беришни лозим деб топдик. Дастлабки эшитув бу – суд томонидан тугалланган суриштирув ва дастлабки терговнинг тўлиқлиги, асослилиги ва қонунийлигини ҳуқуқий жиҳатдан баҳолашдан иборат бўлган процессуал жараён дир.

<sup>17</sup> Д.Г.Дик. “Соотношение познания и доказывания на предварительном слушании по уголовным делам” России. Дис. ... канд. юр. наук. - Челябинск, 2011. - С. 55/258

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. [Электрон ресурс], қаралган вақти 26.07.2024 йил. (13.02.2021 йил ҳолатига). <https://old.lex.uz/docs/163629>

<sup>19</sup> Долгих Татьяна Николаевна, “Институт предварительного слушания в уголовном судопроизводстве России”. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. 2007 г, 50 ст/213

<sup>20</sup> См. также: Горяинов А.В. Общий порядок подготовки к судебному заседанию в уголовном процессе России. Дис. ... канд. юр. наук. - Челябинск, 2004. - С. 49

<sup>21</sup> Практика применения Уголовно-процессуального кодекса Российской Федерации. Практическое пособие /Под ред. В.П. Верина. М.: Юрайт-Издат, 2006. – 80 с.